

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус
таълим вазирлиги**
**Ўзбекистон Республикаси инновацияларни
ривожлантириш вазирлиги**

*Қарши мұхандислик-иктисодиёт
институти*

Жанубий Федерал университети, Россия

*Ш.Шотемур номли Тоғжықистон аграр
университети*

*ОТ ФДБТМ Г.В.Плеханов номли Россия
иктисодиёт университети Тошкент
филиали*

*М.Ауэзов номли Жанубий Қозогистон
давлат университети*

*Ўзбекистон хотин-қизлар “Olita”
уюшмаси*

Қашқадарё савдо-саноат палатаси

*ОТ ФДБТМ Г.В.Плеханов номли
Россия иктисодиёт университети*

*ОТ ФДБТМ Кубан Давлат
университети, Россия*

*Украина биоресурслар ва табиатдан
фойдаланиш миллий университети*

*Белоруссия миллий техника
университети*

*Иктисодий тараққиёт ва
камбагалликни қисқартишиш бош
бошқармаси*

*Қашқадарё вилояти Инвестициялар ва
ташқи савдо бошқармаси*

**«ИННОВАЦИОН ИКТИСОДИЁТ: МУАММО, ТАҲЛИЛ
ВА РИВОЖЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ»**

*Халқаро илмий-амалий анжуман тезислар
түўлами
20-21 май 2021 й.*

(З-қисм)

Қарши ш.

ривожлантиришда бир нечта мақсад – фойда олишни кўрадилар. Ҳозирги вақтда экотуризм жаҳон туризм ва экскурсиялар бўйича қўлланма ва Бутунжаҳон сайёхлик ташкилотига асосланган энг тез ривожланаётган туризм соҳаларидан биридир, яъни глобал туризм саноатида экотуризмнинг улуши 10 фоиздан 20 фоизгача. Унинг йиллик ўсиши 30% ни ташкил қиласди. Шунингдек, 2020 йилгача экотуризм жаҳон туризмининг асосий стратегик йўналишларидан бири бўлиб, қолади ва ушбу йўналишлар Ўзбекистон Республикасида ҳам ривожланади.

Табиатта чиқиш (хар қандай турдаги – пиёда, отлик, автоулов ва ҳ.к.) аллақачон экологик туризм деб ҳисобланади, шу билан бирга унинг асосий қисми ёввойи табиат, маҳаллий урф-одатлар ва маданият билан танишиш, маҳаллий аҳолининг иштироки ва сайёхлик фаолиятидан маҳаллий жамоаларга тегишли пул ўтказмалари.

Ўзбекистонда экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш кўйидагиларни тақозо этади:

- экотуризмни янада ривожлантиришнинг муҳим таркибий қисми туристик маршрутларини ишлаб чиқиш ва батафсил тавсифлаш;
- экотуризмни ривожлантириш учун масъул бўлган тузилмаларда расмий рўйхатдан ўтказиш;
- экотуризмни ривожлантириш учун ташкилий тузилмалар ва механизmlарни ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар олиб бориш;
- экотуризмни ташкил қилиш ва ривожлантиришда замонавий технологияларни ва экотуризмга эга бўлган хорижий мамлакатларнинг тажрибаларини қўллашнинг хуқукий стандартларини белгилаш;
- экотуризмни ташкил этиш ва ривожлантириш учун Европа давлатлари билан ҳамкорликда яратилган экотуризмнинг миллий моделларини мамлакатимиз миллий боғларида синаб кўриш ва ҳ.к.

ПЕДАГОГИК ПРОГНОСТИКАНИНГ ЯНГИ ВОСИТА ВА УСУЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Исламова Мафтұна Шарофиддиновна -Чирчиқ давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация. Маколада таълим тизимиға замонавий педагогик технологияда педагогик прогностиканинг янги шакл, восита ва усулларидан фойдаланишнинг аҳамияти, педагогик тизим, педагогик жараёнда ўқув-тарбия жараёнининг технологияси моҳияти, муаммоликидирув услублари ва уни янги технологиялар, таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлиги таъминланган ҳолдагина кутилган зарур натижани бериши мүмкін масалалари ёритилган.

Калит сўзлар: таълим тизими, педагогик прогностика, инновацион услублар, муаммоликидирув услуби, педагогик, ўқув-тарбия жараёни технологияси, янги технологиялар .

Аннотация. В статье рассматривается образовательная система в современных педагогических технологиях, значение использования новых форм, средств и методов педагогического прогнозирования, педагогическая система, сущность технологии образовательного процесса в педагогическом процессе, проблемно-поисковые методы и ее новые технологии, форма и содержание в реализации образования могут дать ожидаемый результат только при условии целостности педагогического процесса.

Ключевые слова: образовательная система, педагогическая прогностика, инновационные методы, проблемно-поисковый метод, педагогика, технология образовательного процесса, новые технологии.

Annotation. The article considers the educational system in modern pedagogical technologies, the importance of using new forms, means and methods of pedagogical forecasting, the pedagogical system, the essence of the technology of the educational process in the pedagogical process, problem-search methods and its new technologies, the form and content in the implementation of education can give the expected result only if the integrity of the pedagogical process.

Keywords: educational system, pedagogical prognostics, innovative methods, problem-search method, pedagogy, technology of the educational process, new technologies.

Жамият ҳәётининг жадал тарзда ривожланиши, таракқиёт эҳтиёjlари ва имкониятларининг кенгайиши, турли-туман ахборотлар оқимининг тезлашишини ҳисобга олиб, замонавий педагогик технологияда педагогик прогностиканинг янги шакл, восита ва усулларидан фойдаланиш механизмини яратишни ўз заммасига олмоғи талаб этилади. Бугунги кунда турли типдаги таълим мұассасаларыда амалға ошириләтган таълимнинг ўрни ва даражасини аниқлашга йўналтирилган тадқиқотларда педагогик прогностиканинг имкониятларидан кенг фойдаланишни тақозо қиласди. Шундагина таълим жараёнининг натижалари фан, ишлаб чиқариш, маданият, иқтисод ҳамда жамият ҳәётининг барча соҳаларини ривожлантиришга хизмат қила олади. Педагогик прогностикага таянган ҳолда яратилган назарияларгина узлуксиз таълим жараёнини унинг босқичлари ва компонентларининг мазмуни, шакли ва воситаларини, таълим натижаларининг жамият ҳәётига кўрсатадиган таъсир даражасини олдиндан лойиҳалаштиришга асос бўла олади. Демак, шунда ўқув-тарбия жараёнини янги принциплар ва янги мафкуравий негизда қайта қуриш, таълим соҳасида ислоҳотларни амалға ошириш мумкин.

Шунингдек, замонавий педагогик технологияда педагогик прогностиканинг янги шакл, восита ва усулларидан фойдаланишда таълим жараёнини ташхис қилиш ва яратилган назариялар, ўқув-методик мажмуалар тажриба-синов асосида амалиётга жорий қилишнинг методологик асослари, аниқ механизмлари, усул ва воситаларини ишлаб

чикиш керак. Таълим жараёнининг ташхис қилиш механизми шу жараённинг ютуқ ва камчиликлари, таълим натижасининг сифат кўрсаткичлари, таълим жараёнига татбиқ қилинадиган педагогик назариялар, замонавий технологияларнинг таълим амалиётини ривожлантира олиш ёки таълимнинг тараққиётига тўскинлик қилиш даражасини аниклашга йўналтирилиши керак. Педагогик тажриба-синов эса амалга оширилган тадқиқот натижаларининг самарадорлик даражасини аниклашда алоҳида аҳамиятга эга.

Бугунги кунда жамиятимиз ривожланишида педагогик прогностика ўзининг аниқ белгилаб олинган мақсад ва вазифалари, обьекти ва предмети, тадқиқ этаётган муаммоларнинг мантикий асослари, ривожланиш қонуниятлари, ўзининг таянч методологиясига эга бўлган педагогика фанининг мухим тармоғи сифатида намоён бўлади. Педагогик прогностика илмнинг устувор соҳаси сифатида давлат ва жамият тараққиётига хизмат қиласидан узлуксиз таълим тизимини янгидан-янги педагогик назариялар негизида вужудга келган таълим моделлари ва технологиялари билан куроллантириш асосида кадрлар тайёрлаш сифатини оширишга йўналтирилгандир.

Таълим жараёнига татбиқ қилинадиган ҳар қандай педагогик технология, унинг компонентлари хоҳ таълим мазмуни, хоҳ ўкув дастури ёки дарслик, хоҳ ўқитувчи фаолияти орқали ўтишидан қатъий назар, ўкувчининг жонли тарздаги эркин ва ижодий фаолиятини жадал ривожлантиришга хизмат қилишига эришиш талаб қилинади. Бунда педагогик технологиялар, биринчи навбатда, ҳар бир ўкувчи-талабанинг бошқа ўкувчи-талабалар, дарс материаллари ҳамда педагог билан эркин тарзда мулокот килишини, фикр алмашишини таъминлайди.

Замонавий педагогик технологиялар педагогик амалиётнинг ўкувчи ёки талаба шахсига қонунлар мажмунини, табиат ва жамият ҳодисаларини, кишилий маданияти ва ахлоқ-одобини, муайян фан асосларини танитувчи шакли сифатида намоён бўлиши лозим. Бу соҳада назарий жиҳатдан қатъий асосланган, ҳар томонлама синовдан ўтган ҳамда аниқ амал қилувчи қонуниятларга таяниш мақсадга мувофик.

Таълим услуби – педагог билан ўкувчи-талабалар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир.

Ўқитиши услублари ўкув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли услубларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб бўлмайди.

Услублар билимларни узатиш ва қабул қилиш характерига қараб сўз орқали ифодалаш, кўргазмали ва амалийга бўлинади. Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўкувчи-талабаларнинг таълим фаолиятига муносиб равишда кўйидаги услублар: тушунтириш – иллюстратив, репродуктив, муаммоли баён, хусусий қидириш ёки эвристик ҳамда ярим тадқиқот услублари кўлланилади.

Кўлланадиган педагогик технологияларни бир тизимга солиш, унга мақсадли йўналиш бериш таълимни амалга оширишдаги шакл ва мазмун яхлитлиги таъминланган ҳолдагина кутилган зарур натижани бериши мумкин. Таълимга тестлар, диагноз ва диагностик таҳдилнинг олиб кирилиши, билимларни кўп балли баҳолаш тизимида аниқлашга ўтиш, бўлим мазмунини яхлит ҳолда ўзлаштиришни моделлаштириш, тизимга солинган назорат турларида, талабаларнинг ишлаши ва анъанавий дарс шаклларининг вужудга келиши, биз шу пайтгача ўрганиб қолган анъанавий таълим ўрнига вужудга келган педагогик технологиялар бўлиб, улар янгича фикрлаш тизимидағи таълимга ўтишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

- 1.Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А.,Пардаев А. Таълимда инновацион технологиилар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар).-Т.: “Истеъдод” жамғармаси,2008 -180 б.
- 2.Қ.Олимов ва бошқалар. Касб таълими методикаси. Дарслик.2015й.
3. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностно-ориентированные технологии профессионального развития специалиста.-Екатеринбург,1999.-244 с.

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ

Махманазаров Қаҳрамон Абдиевич - ҚарМИИ Ўзбекистон тарихи кафедраси катта ўқитувчиси

Примова Сабина - Иқтисодиёт таълим йўналиши 1-курс талабаси

Аннотация: Ушбу мақолада миллий сайлов конунчилигига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти ёритилган бўлиб, бунда сайловларни ўтказиш муддатини декабрь оидан октябрь ойига кўчирилиши келгусида сайлов жараёнининг барча иштирокчилари, яъни сайловчилар, номзодлар, сиёсий партиялар, комиссия аъзолари ва кузатувчилар учун қулайликлар келтириб чиқариши бўйича фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: референдум, сайлов кодекси, сайловолди ташвиқот, сиёсий партиялар, консуллик рўйхати, кузатувчилар.

Аннотация: В этой статье описываются изменения и дополнения к национальному избирательному законодательству, включая перенос выборов с декабря на октябрь, которые принесут пользу всем участникам избирательного процесса, включая избирателей, кандидатов, политические партии, членов комиссий и наблюдателей.

Ключевые слова: референдум, избирательный кодекс, избирательная кампания, политические партии, консультский список, наблюдатели.

3.	Вафоева Бобомуродовна Хазратқурова Усмоновна Жаборов Фаррух Бўриевич	Мавлуда Шахноза	Самимий олима аёлларнинг самарали фаолияти
4.	Джураева Ш.Д. Бобилова Ч.Ҳ.		Янги биостимулятор ёрдамида иктисодий самарадорликнинг ошиши
5.	Джураева Ш.Д.		Янги биостимуляторнинг пахта ҳосилидаги иқтисодий самарадорлиги
6.	Закирова Баҳора		Ўзбекистонда экотуризмни ташкил етиш ва ривожлантириш муаммолари
7.	Исломова Шарофиддиновна	Мафтұна	Педагогик прогностиканинг янги восита ва усулларидан фойдаланиш
8.	Махманазаров Абдиевич Примова С	Қахрамон	Миллий сайлов қонунчилига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳияти
9.	Орипов Р. Курбонова У.		Пахта етиштиришда кўкат ўғитларнинг роли
10.	Рахманова Юлдуз Каҳрамановна		Технология сотрудничества как важный компонент образования
11.	Рейимбаева Муножот Анвар қизи Қодирова Шахноза Ўқтамбай қизи		Ҳам шифобаҳш, ҳам даромадбоп кулупнай меваси етиштириш технологияси
12.	Султонова Зарифа Ўқтамовна Сатторова Зилола Махмудовна		Инновацион таълимда лугат тузиш машаққати
13.	Файзиева Шодмонқуловна Қўйбоқарова Зулфия Абрӯевна	Максада	Жамиятда илм-фан ва инновациялар самарадорлигини оширишда аёлларнинг ўрни
14.	Файзиева Шодмонқуловна Улуғмуродова Бобоёровна Эшқувватова Рўзиқуловна	Умида Хафиза Гулмира	Жамият ривожланишида, миллат маънавиятида аёлларнинг ўрни
15.	Ҳазратова Хулкар Нормуродовна Бўранова Гулноза Боймуратовна		Болалар овқатланишида микронут- риентларнинг ўрни (йод микроэлементи мисолида)
16.	Шабарова Умида Нормуминовна		Муҳандиснинг таълим жараёнида касбий фаолият ва шахсий фазилатлари ривожланишига